

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Shartnoma.**
2. Loyihaning nomi: **Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi**

Bundan buyon "**Buyurtmachi**" deb ataluvchi "**Shovot tumani xalq ta'limi bo'limi**" nomidan Nizom asosida ish yurituvchi direktor **M.Ollamova** birinchi tomondan va ikkinchi tomondan "**Bajaruvchi**" deb ataluvchi "**Monolit loyiha qurilish**" MCHJ direktori **B.Sultonmurotov** Shovot XTBga qarashli 42-son maktab faollar zalini mukammal ta'mirlash bo'yicha loyiha smeta hujjatlarini tayyorlash va ushbu shartnoma bo'yicha loyihalarni Davlat standart ekspertizadan o'tkazish xizmati va joriy ta'mirlash ishchi loyiha-smetasi va ekspertizadan o'tkazish ishlari bo'yicha ushbu shartnomani tuzdilar. Shartnomaning umumiy qiymati **25.000.000 so'mni** tashkil qiladi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot - **Shovot tumani Xalq ta'limi bo'limi** tomonidan 24.05.2022-yil sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "*Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida*"gi **№670-I-sonli Qonuni** va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni **qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuriskonsulti:



**Qurbonov B.R.**

# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «24» 5

2022-345-12-177-ХТ-  
сон

Шовот тумани ш.

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи **“Шовот тумани халқ таълими бўлими”** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **М.Олламова** биринчи томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи **Монолит Лоиха Курилиш МЧЖ директори Б.Султанмуратов** орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” **Шовот тумани халқ таълими бўлими** ййгилиш баёнига асосан Шовот ХТБга карашли 42 сон мактаб фаоллар залини мукамал таъмирлаш буйича лоиха смета ҳужжатларини тайёрлаш ва ушбу шартнома буйича лоихаларни Давлат стандарт экспертизадан ўтказиш хизмати жорий таъмирлаш ишчи лойиха-сметаси ва экспертизадан ўтказиш ишларини топширади, “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. **Ишларни амалга оширишнинг шартнома баҳоси ҚҚС билан 25 000 000 (Йигирма беш миллион) сўмни ташкил қилади.** Бунда ҚҚС 3 260 869.56 (Уч миллион икки юз олтмиш минг саккиз юз олтмиш тўққиз сўм 56т )

2.2 “Буюртмачи” 10 (ўн) банк кун ичида шартнома баҳосининг 30% миқдоридан аванс тўловини амалга оширади ва ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг қолган 70% тўлов амалга оширилади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

## 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошқармасидан руйхатдан утгандан сунг 15 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиха смета ҳужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиха ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

#### **5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. Қўшимча шартлар**

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва “Бажарувчи”нинг объект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музоқара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иктисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган

томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ва “Бажарувчи” томонидан ишлар топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш “Буюртмачи”ни тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг туман Ҳазначилик бўлимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

### **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

7.1. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

7.2. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

7.3. Томонда ушбу шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари**

#### **«БУЮРТМАЧИ»**

Шовот тумани халқ таълими бўлими  
Манзил: Уста- содик 23  
ШХР:401722860332307092100075009  
ИНН 201783089  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Ҳазначилиги  
х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014, ИНН: 201 122 919  
Банк: ХИ  
бошқарм:



#### **«БАЖАРУВЧИ»**

Монолти Лоиха Курилиш МЧЖ  
Манзил: Урганч Махтумқули к 131 уй  
ШХР: 20208000000476292001  
ИНН 303314642  
МФО: 00581, ТИФ Асака банк Урганч филиал  
Директор

Б.Султанмуратов

